

ТАСДИҚЛАЙМАН
Тоғ-кон саноати ва геология вазири

Б. Исламов
2025 йил “_____” июнь

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати
ва геология вазирлигида ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ

2025 йил “_____” июнь _____-сон Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Б. Исламов –Тоғ-кон саноати ва геология вазири

Қатнашди: Вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, марказий аппарат бўлинмалари бошлиқлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

Тоғ-кон саноати ва геология вазири ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг
энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича
2024 йил якунлари ва 2025 йилда белгиланган вазифалар тўғрисида

(Исламов, Насритдинходжаев, Р. Юсупов, У. Юсупов,, Исламов)

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартдаги 172-хдфу-сон қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги фаолиятининг **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)**, уларга эришиш бўйича “**йўл хариталари**” ҳамда **худудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурлари** тасдиқланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан **2024 йил 22 апрелдаги 49-хдфу-сон буйруғи** қабул қилинган.

Шунингдек, Тоғ-кон саноати ва геология вазири ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг **2024 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)** белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига белгиланган **2024 йил** учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишида камчиликка йўл қуйилганлиги сабабли вазир ва унинг ўринбосарларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари қисман бажарилмай қолган.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги 276-хдфу-сон қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор билан

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги фаолиятининг **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)**, уларга эришиш бўйича **“йўл хариталари”** ҳамда **худудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурлари** тасдиқланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда 2024 йилда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг (KPI) бажарилишида йўл қуйилган камчиликлар инobatга олиниб, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан **2025 йил 30 апрелдаги 55-хдфу-сон буйруғи** қабул қилинган.

Шунингдек, Тоғ-кон саноати ва геология вазири ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг **2025 йил учун энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)** белгиланган.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги раҳбарияти ўзлари масъул бўлган соҳалар ва тармоқлар бўйича белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига тўлақонли эришилиши ва натижадорлигини таъминлаш учун шахсан жавобгар этиб белгиланган бўлиб, уларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш борасида таъсирчан чоралар кўрилмақда.

Шунингдек, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар **ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **“samaradorlik.uz” электрон платформасига** белгиланган муддатларда киритилиши таъминланмоқда.

2025 йилга белгиланган **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини** сўзсиз таъминлаш бўйича вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда марказий аппарат бўлинмалари бошлиқларига **аниқ вазифалар юклатилган.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларни Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида кенгайтирилган мажлис **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2024 йил якуни билан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари **94,9 фоизга** бажарилганлиги ҳамда вазирлик **44-чи ўринни** эгаллаганлиги;

2025 йилнинг I чораги якуни билан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари **100 фоизга** бажарилганлиги ҳамда вазирлик **1-чи ўринни** эгаллаганлиги;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар **ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти** ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **“samaradorlik.uz” электрон платформасига** киритилиши;

Платформадаги ва коғозда тасдиқланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (*KPI*) ўртасида тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда, платформадаги самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилиши;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (*KPI*) бажарилиши тўғрисидаги маълумот нотўғри тўлдирилганда, тегишли раҳбарларга интизомий жазо қўлланилган ҳолда тузатиш киритилиши;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (*KPI*) бажарилиши мониторингини юритиш ва уларга эришиш натижаларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамаси тегишли таркибий бўлинмасининг масъул ходимига (*куратор*) платформадан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши тартиби ўрнатилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 29 апрелдаги 276-хдфу-сон қарори ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2025 йил 30 апрелдаги 55-хдфу-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, Тоғ-кон саноати ва геология вазирининг ўринбосарлари:

ўзлари масъул бўлган соҳалар ва тармоқлар бўйича белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (*KPI*) тўлақонли эришилиши ва натижадорлиги учун шахсан жавобгар ҳисоблансин;

тегишли соҳалар ва тармоқлар бўйича белгиланган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (*KPI*) ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва натижадор эришилиши устидан қатъий назоратни таъминласин ҳамда бу борада таъсирчан чоралар кўриб борсин;

энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (*KPI*) бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг “**samaradorlik.uz**” **электрон платформасига** белгиланган муддатларда киритилишини таъминласин;

белгиланган кўрсаткичлар ижросини танқидий кўриб чиқиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда **2025 йил II, III, IV-чорак яқунлари** билан энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига (*KPI*) тўлиқ ҳажмда ва натижадор эришилишини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрсин.

4. Ҳар бир тизим корхоналари ўз фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш натижасида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (*KPI*) бажарилиши тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш билан бирга коррупциоген омилларга барҳам бериш чораларини кўрсин.

5. Мазкур мажлис баёни ижросини назорат қилиш тегишлилиги бўйича вазирнинг ўринбосарлари О. Насритдинходжаев, Р. Юсупов, У. Юсупов зиммаларига юклансин.